“SUV KERAK” лойиҳаси оммавий офертаси

©“suv_kerak” 2025й.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

“suv kerak” лойиҳаси тизими хизматларидан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома

1. Умумий қоидалар ва таърифлар

1.1. Ушбу ҳужжат **«HISOB» МЧЖ** (СТИР: 302055033, юридик манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, И. Каримов кўчаси, 293-уй), кейинги ўринларда **“Компания”** деб аталади, томонидан жисмоний ва (ёки) юридик шахсларга қаратилган оммавий оферта (кейинчалик – **“Оферта”**), бўлиб, “suv_kerak” лойиҳаси тизими хизматларидан фойдаланиш шартларини белгилайди.

1.2. Ушбу Оферта қуйида таърифланган шахслар ва хизматларга нисбатан қўлланилади:

- **“suv_kerak” лойиҳаси тизими (хизмати)** – Компания томонидан ишлаб чиқилган ва қўллаб-қувватланадиган ахборот-технологик платформа бўлиб, мобиль иловалар, Telegram ботлари ва бошқа рақамли воситалар орқали сув етказиб бериш фаолиятини автоматлаштириш, буюртмаларни қабул қилиш, логистика жараёнларини ташкил этиш ва ҳисоб-китобларни юритишга хизмат қилади.
- **Сув етказиб берувчи тадбиркор бизнес эгаси** – “suv_kerak – Boss” туридаги фойдаланувчи, мустақил тадбиркор ёки юридик шахс сифатида сув етказиб бериш фаолиятини амалга оширади, ўз мижозларига сув етказиб бериш хизматини кўрсатади. Кейинги ўринларда **“Сув етказиб берувчи Boss”** деб аталади.
- **Сув етказиб берувчи бизнес менежери** – “suv_kerak – Meneger” туридаги фойдаланувчи, тегишли Сув етказиб берувчи Boss фаолияти доирасида буюртмаларни, мижозлар билан алоқани ва логистик жараёнларни бошқаради. Кейинги ўринларда **“Сув етказиб берувчи Meneger”** деб аталади.
- **Сув етказиб берувчи бизнес курери** – “suv_kerak – Courier” туридаги фойдаланувчи, Сув етказиб берувчи Boss номидан мижозларга сув етказиб беришни амалга оширади. Кейинги ўринларда **“Сув етказиб берувчи курер”** деб аталади.
- **Мижоз** – “suv_kerak” Telegram боти, мобиль иловалар ёки бошқа каналлар орқали ичимлик сувига буюртма берувчи.
- **Сув етказиш хизмати** – Сув етказиб берувчи Boss (ва унинг Meneger ҳамда курерлари) томонидан мижозга сув сотиш ва манзилга етказиб бериш бўйича амалга ошириладиган хизматлар мажмуаси.
- **Тизим хизмати** – Компания томонидан “suv_kerak” лойиҳаси тизими асосида сув етказиб берувчи Boss, Meneger, курер ва мижоз ўртасида онлайн алоқа, буюртмаларни қабул қилиш, логистика, ҳисоб-китоблар ва бошқа IT-функцияларини таъминлашга қаратилган ахборот-технологик хизматлар.
- **Тизим хизмати ҳақи** – Компания томонидан Сув етказиб берувчи Boss’га кўрсатиладиган Тизим хизмати учун ушланадиган тўлов, ушбу офертада кўрсатилган қоидалар бўйича ҳисобланади.

1.3. Компания, Сув етказиб берувчи Boss, Сув етказиб берувчи Meneger, Сув етказиб берувчи курер ва Мижоз биргаликда **“Фойдаланувчилар”** деб аталиши мумкин.

1.4. “suv_kerak” лойиҳаси тизими хизматларидан фойдаланиш, оферта шартларини қабул қилган фойдаланувчи билан Компания ўртасида электрон шаклда тузилган хизмат кўрсатиш шартномаси кучга кирганини англатади.

---

2. Оферта предмети

2.1. Ушбу Офертани қабул қилиш орқали фойдаланувчи компаниядан “suv_kerak” лойиҳаси тизими орқали тизим хизматини олишга рози бўлади, компания эса ушбу оферта шартларига мувофиқ тизим хизматини кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2.2. Компания:

- Мижозларга “suv_kerak” Telegram боти ва мобил иловалар орқали сув етказиб берувчи Boss’лардан сувга онлайн буюртма бериш имкониятини тақдим этади;
- Сув етказиб берувчи Boss, Meneger ва курерлар учун буюртмаларни қабул қилиш, тақсимлаш, етказиб беришни режалаш ва ҳисоб-китобларни юритиш бўйича ахборот-технологик инфратузилмани тақдим этади;
- онлайн ва нақд тўлов жараёнларини техник жиҳатдан интеграция қилишга ёрдам беради (Click, Payme ва бошқа тўлов ташкилотлари орқали).

2.3. Компания с**ув етказиш хизмати (сув сотиш ва етказиб бериш)** бўйича тўғридан-тўғри сотувчи ёки ижрочи ҳисобланмайди. Сув етказиш хизмати мижоз ва тегишли сув етказиб берувчи Boss (унинг Meneger ва курерлари орқали) ўртасида тузилиши мумкин бўлган алоҳида ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. Компания ушбу муносабатларда ахборот-технологик платформа вазифасини бажаради.

---

3. Хизмат кўрсатиш ҳудуди

3.1. “suv_kerak” лойиҳаси тизими хизматлари, умумий қоида тариқасида, **Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб** кўрсатилади.

3.2. Аниқ сув етказиб берувчи Boss қайси шаҳар, туман ёки ҳудудда сув етказиш хизматини амалга оширишини ўзи белгилайди. Мазкур маълумотлар одатда “suv_kerak” иловалари ёки Telegram бот интерфейсида мижозга кўрсатилади.

3.3. Компания техник ёки ташкилий сабабларга кўра айрим ҳудудларда тизим хизматини чеклаш ёки вақтинча тўхтатишга ҳақли. Бундай ҳолатлар ҳақида Компания имконият даражасида мижозлар ва сув етказиб берувчи Boss’ларни хабардор қилишга интилади.

---

4. Фойдаланувчилар категориялари ва ўзаро муносабатлар

4.1. **Сув етказиб берувчи Boss**
4.1.1. Сув етказиб берувчи Boss мустақил тадбиркор ёки юридик шахс сифатида сув сотиш ва етказиб бериш фаолиятини амалга оширади ва тегишли қонунчилик талабларига риоя этиш учун шахсан жавоб беради.

4.1.2. Сув етказиб берувчи Boss ўзининг “suv_kerak – Boss” иловаси орқали сув нархлари, тара (бак) нархлари, акциялар ва бошқа тижорат шартларини мустақил белгилайди ва уларни ўз вақтида янгилаб бориш учун жавобгар ҳисобланади.

4.2. **Сув етказиб берувчи Meneger ва курер**
4.2.1. Сув етказиб берувчи Meneger ва курер тегишли сув етказиб берувчи Boss билан ўзаро муносабатлар асосида ишлайди ва мижозларга кўрсатиладиган сув етказиш хизмати сифатининг белгиланган стандартларга мос бўлиши учун ўз зиммасига мажбурият олади.

4.2.2. Компания Meneger ва курерларнинг меҳнат муносабатлари, солиқ ва бошқа мажбуриятлари учун жавобгар эмас; бундай муносабатлар тўлиқ сув етказиб берувчи Boss масъулияти доирасида.

4.3. **Мижоз**
4.3.1. Мижоз “suv_kerak” Telegram боти ёки мобил иловалари орқали сувга буюртма бераётганда, ўз манзили, контакт рақами ва бошқа зарур маълумотларни тўғри ва аниқ тақдим этиши шарт.

4.3.2. Мижоз сувни қабул қилиш учун кўрсатилган манзилда белгиланган вақт оралиғида бўлиш, курер билан алоқа қилиш ва ўзининг тўлов мажбуриятларини бажаришга рози.

4.4. Компания, сув етказиб берувчи Boss, Meneger, курер ва мижоз ўртасидаги аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар ушбу оферта, махфийлик сиёсати, илова ва ботда кўрсатилган қўшимча қоидалар асосида шакллантирилади.

---

5. Нархлар, валюта ва Тизим хизмати ҳақи

5.1. Барча нархлар ва ҳисоб-китоблар, умумий қоида тариқасида, **Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида – сўмда** амалга оширилади.

5.2. **Сув нархи ва тара (бак) нархи**
5.2.1. Сув етказиб берувчи Boss “suv_kerak – Boss” иловасидаги махсус бўлим орқали сув нархларини мустақил белгилайди. Нархлар диапозони, акцион нархлар, чегирмалар ва бошқа тижорат шартлари сув етказиб берувчи Boss ҳал этади ва мос равишда иловада акс эттирилади.

5.2.2. Тара (бак)нинг сотилиши ёки сотилмаслиги, шунингдек сотилган тақдирда тара нархи ҳам сув етказиб берувчи Boss томонидан “тара нархларини белгилаш” бўлими орқали мустақил белгиланади.

5.2.3. Компания сув ва тара нархлари учун жавобгар эмас; Мижозга кўрсатилган нархлар Сув етказиб берувчи Boss томонидан белгиланган тижорат шартлари ҳисобланади.

5.3. **Тизим хизмати ҳақи (Компания фойдаси)**
5.3.1. Компания сув етказиб берувчига кўрсатаётган тизим хизмати учун қуйидаги тартибда хизмат ҳақи (комиссия) олади:
Бир кунда тарқатил(сотил)ган ёки етказиб берилган сувлар сони диапозонига қараб қуйидагича хаб бир тарқатил(сотил)ган ёки етказиб берилган сувлар сонига қараб комиссия олинади:
1 тадан то 300 тагача – 150 сўмдан,

301 тадан то 1000 тагача 100 сўмдан,

1001 тадан то 3000 тагча – 80 сўмдан,

3001 тадан то 5000 тагача – 60 сўмдан,

5001 тадан юқори диапозонда – 50 сўмдан комиссия олинади.

5.3.2. Тизим хизмати ҳақи сув етказиб берувчи Boss томонидан “suv_kerak” орқали амалга оширилган сув сотиш ва сув етказиш хизмати бўйича қабул қилинган умумий тўлов суммасидан (жами тушумдан) ҳисобланади. Ҳисоблаш формуласи ва амалдаги механизм (ушланган, айрим ойлик ҳисоб-китоб ва ҳ.к.) тизимда техник тарзда амалга оширилади ва сув етказиб берувчи Boss’га тегишли интерфейсда акс эттирилади.

5.3.3. Компания алоҳида акция, рекламавий кампания ёки “suv_kerak” лойиҳаси бўйича ички қарорларга мувофиқ, маълум муддат давомида тизим хизмати ҳақини қисман ёки тўлиқ ундирмасликка, 0 % қилиб белгилашга ёки бошқа имтиёзли шартларни жорий этишга ҳақли. Бундай ҳолларда тегишли маълумотлар сув етказиб берувчи Boss’га иловалар, Telegram ботлар ёки расмий каналлар орқали эълон қилинади.

5.3.4. Агар қонунчиликда солиқлар, мажбурий тўловлар ёки бошқа йиғимлар бўйича алоҳида тартиб белгиланган бўлса, Компания ва сув етказиб берувчи Boss ушбу талабларга мувофиқ ҳаракат қилишлари шарт.

---

6. Тўлов тартиби ва тўловни қайтариш

6.1. **Тўлов усуллари**
6.1.1. Мижоз қуйидаги усуллар орқали тўлов амалга ошириш ҳуқуқига эга:

- етказиб бериш вақтида **нақд пул куреrга**;
- “suv_kerak” тизимига интеграция қилинган онлайн тўлов тизимлари (масалан, Click, Payme ва бошқа тўлов ташкилотлар) орқали **онлайн тўлов**.

6.1.2. Мавжуд тўлов усуллари ва уларнинг шарҳлари иловада, Telegram ботда ёки бошқа интерфейсда алоҳида кўрсатилади. Компания техник ёки тижорат сабабларга кўра айрим тўлов усулларини қўшиш, ўзгартириш ёки тўхтатишга ҳақли.

6.2. **Тўлов вақти**
6.2.1. Тўлов режими (олдиндан тўлов, етказиб берилгандан кейин тўлов ва ҳ.к.) сув етказиб берувчи Boss сиёсатига ва конкрет ҳолатга қараб белгиланиши мумкин бўлиб, мос равишда интерфейсда акс эттирилади.

6.2.2. Мижоз тўловни танланган усул ва шартларга мувофиқ, ўз вақтида амалга оширишга мажбур.

6.3. **Тўловни қайтариш сиёсати**
6.3.1. Умумий қоида тариқасида, мижоз томонидан амалга оширилган тўловлар **қайтарилмайди**, агар амалдаги қонунчиликда ёки компаниянинг алоҳида маълум қарорларида бошқача ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса.

6.3.2. Агар сув етказиш хизмати умуман кўрсатилмаган бўлса (масалан, курер белгиланган муддатда етказмади ва хизмат амалда кўрсатилмади), мижознинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, компания ва сув етказиб берувчи Boss ушбу ҳолатни алоҳида кўриб чиқадилар. Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган асослар мавжуд бўлса,

тўловни қайтариш ёки бошқа компенсация тури (кейинги буюртмада ҳисобга олиш ва ҳ.к.) қўлланилиши мумкин.

6.3.3. Мижоз томонидан асоссиз равишда буюртмани рад этиш, манзилда бўлмаслик, курерни қабул қилмаслик ёки бошқа сабабларга кўра хизматни амалга оширишга тўсқинлик қилинган ҳолатларда, Компания ва Сув етказиб берувчи Boss тўловни қайтармаслик ва етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни мижоз зиммасига юклаш ҳуқуқини сақлаб қолади, қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса.

6.4. Тўлов хавфсизлиги ва фирибгарликдан ҳимоя

6.4.1. «Suv_kerak» тизими орқали амалга ошириладиган онлайн тўловлар банклар ва тўлов ташкилотлари (Click, Payme, Uzum Bank ва бошқалар) томонидан тақдим этилган хавфсиз инфратузилма орқали амалга оширилади.

6.4.2. Фойдаланувчиларнинг банк картаси маълумотлари тўғридан-тўғри тўлов ташкилотлари ва банклар томонидан қайта ишланади. «suv_kerak» тизими ушбу маълумотларни сақламайди ва уларга тўлиқ кириш имконига эга эмас.

6.4.3. Тўлов хавфсизлигини ошириш мақсадида 3D Secure (3DS) технологиясидан фойдаланилиши мумкин. Ушбу технология тўловларни қўшимча тасдиқлаш (SMS-код, банк иловаси орқали тасдиқлаш ва бошқалар) орқали ҳимоя қилади.

6.4.4. Фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш мақсадида қуйидаги чоралар қўлланилиши мумкин:
– шубҳали операцияларни автоматик аниқлаш ва вақтинча блоклаш;
– бир хил карталардан такрорий уринишларни чеклаш;
– фойдаланувчи фаолиятини мониторинг қилиш ва зарур ҳолларда қўшимча текширув ўтказиш;
– банклар ва тўлов ташкилотлари томонидан белгиланган хавфсизлик талабларига риоя қилиш.

6.4.5. Фойдаланувчи ўз тўлов воситалари хавфсизлигини мустақил таъминлаши шарт:
– банк картаси маълумотларини учинчи шахсларга бермаслик;
– SMS ёки 3D Secure кодларини бошқаларга ошкор қилмаслик;
– фақат ишончли қурилмалар ва тармоқлар орқали тўлов қилиш.

6.4.6. Агар карта ёки ҳисобдан рухсатсиз фойдаланиш гумони бўлса, фойдаланувчи дарҳол ўз банкига ва тўлов ташкилотига мурожаат қилиши лозим.

6.4.7. Компания фирибгарлик аломатлари аниқланган ҳолларда фойдаланувчининг операцияларини вақтинча чеклаш ёки тўхтатиш ҳуқуқига эга.

---

7. Оферта акцепти ва шартнома тузилиши

7.1. Ушбу Оферта **оммавий оферта** ҳисобланади ва белгиланган тартибда фойдаланувчи томонидан қабул қилинган пайтдан бошлаб, фойдаланувчи билан компания ўртасида **оммавий оферта шартномаси** тузилган ҳисобланади.

7.2. Фойдаланувчи қуйидаги ҳаракатлардан бири ёки бир нечтасини амалга ошириши орқали ушбу оферта шартларини қабул қилган (акцепт қилган) деб ҳисобланади:

- “suv_kerak” Telegram ботини қўшиш, ушбу ботга кириш ва у орқали рўйхатдан ўтиш;
- “suv_kerak” мобил иловаларидан (Boss, Meneger, Courier ёки Мижозга мўлжалланган илова) фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиш;

- “Буюртмани тасдиқлаш”, “Тасдиқлайман” ёки мос маънодаги тугмаларни босиш орқали сувга буюртма бериш;
- “suv_kerak” Тизими орқали тўловни амалга ошириш.

7.3. Фойдаланувчи томонидан оферта акцепти амалга оширилган пайтдан бошлаб, фойдаланувчи ушбу оферта, махфийлик сиёсати ва “suv_kerak” тизимида кўрсатилган бошқа қоидалар билан танишган ва уларга тўлиқ рози эканлигини тасдиқлайди.

7.4. Агар фойдаланувчи ушбу оферта шартларига рози бўлмаса, у “suv_kerak” Telegram боти ва мобил иловаларидан фойдаланишни дарҳол тўхтатиши лозим.

8. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8.1. Умумий қоида

8.1.1. Ушбу оферта доирасида компания, сув етказиб берувчи Boss, сув етказиб берувчи Meneger, сув етказиб берувчи курер ва мижоз ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалдаги қонунчилик, ушбу оферта ва “suv_kerak” тизимида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ амалга оширишлари шарт.

8.2. Компаниянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8.2.1. Компания мажбуриятлари:

- “suv_kerak” лойиҳаси тизими орқали тизим хизматини ушбу оферта шартларига мувофиқ кўрсатиш;
- техник имкониятлар доирасида тизимнинг барқарор ишлашини таъминлашга интилиш;
- фойдаланувчилар шахсий маълумотларини махфийлик сиёсатига ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ қайта ишлаш;
- тизимда техник носозликлар ёки ишдаги бузилишлар аниқланганда, уларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўриш.

8.2.2. Компания ҳуқуқлари:

- тизим хизматини яхшилаш, хавфсизлик ва оптималлаштириш мақсадларида, тизим интерфейси, функционал имкониятлар, тарифлар ва хизматларнинг айрим шартларини ўзгартириш;
- фойдаланувчи ушбу оферта, махфийлик сиёсати, қонун талаблари ёки ахлоқий (этик) қоидаларни қўпол равишда бузган тақдирда, унинг тизимдан фойдаланишини вақтинча чеклаш ёки тўхтатиш;
- техник, ташкилий ёки ҳуқуқий зарурат туғилганда, тизимнинг айрим қисмларини вақтинча ёпиш, модернизация қилиш ёки функционални чеклаш.

8.2.3. Компания **сув етказиш хизмати (сув сифати, таркиби, сақланиши, санитария талабларига мослиги)** бўйича тўғридан-тўғри ижрочи ҳисобланмайди ва ушбу хизмат учун бевосита жавобгар эмас. Бундай хизматлар сув етказиб берувчи Boss томонидан кўрсатилади ва бевосита жавобгар.

8.3. Сув етказиб берувчи Boss’нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8.3.1. Сув етказиб берувчи Boss мажбуриятлари:

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда сув етказиб бериш фаолиятини амалга ошириш (гигиена, санитария, сертификатлаш, лицензиялаш ва бошқа талабларга риоя қилиш);
- сотилаётган сувнинг таркиби, сифати, хавфсизлиги ва уни тасдиқловчи **барча сертификатлар, гигиеник хулосалар ва бошқа ҳужжатлар учун тўлиқ жавобгар бўлиш**;
- сувни сақлаш, ташиш ва етказиш жараёнида санитария ва техник нормаларга риоя қилиш;
- “suv_kerak – Boss” иловасида сув нархлари, тара нархлари, акциялар ва шартларни тўғри ва аниқ кўрсатиш, ўзгаришлар юз берганда уларни ўз вақтида янгилаб бориш;
- Мижозлар шикоятлари ва даъволарини ўз компетенцияси доирасида кўриб чиқиш, керак бўлса тегишли органлар билан ҳамкорлик қилиш.

8.3.2. Сув етказиб берувчи Boss ҳуқуқлари:

- “suv_kerak – Boss” иловасида сув ва тара нархларини, акция ва чегирмаларни мустақил белгилаш;
- ўзининг Meneger ва курерларини танлаш, улар билан ўзаро муносабатларни мустақил равишда белгилаш;
- тизим хизматидан фойдаланишни тўхтатиш (ушбу оферта ва қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда)

8.3.3. Сув етказиб берувчи Boss, тизим хизмати ҳаққини (комиссияни) ушбу офертада кўрсатилган қоидаларга мувофиқ тўлаш ва компания билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишга мажбур.

8.4. Сув етказиб берувчи Meneger ва курернинг мажбуриятлари

8.4.1. Сув етказиб берувчи Meneger:

- тизимда кўрсатилган ички регламентлар ва сув етказиб берувчи Boss кўрсатмаларини бажариш;
- буюртмаларни тўғри қабул қилиш, курерларга тақсимлаш, етказиб бериш жараёнини назорат қилиш;
- мижозлар билан мулоқотда хушмуомала, аниқ ва тўғри ахборот бериш тамойилларига риоя қилиш.

8.4.2. Сув етказиб берувчи курер:

- буюртмаларни ўз вақтида ва эҳтиёткорлик билан етказиш;
- мижоз манзили ва буюртма тафсилотларини тизимда кўрсатилганидек бажариш;
- мижоз билан мулоқотда одоб-ахлоқ нормаларига, қонунчилик ва ички қоидаларга риоя қилиш.

8.4.3. Meneger ва курер фаолияти бўйича жавобгарлик, сув етказиб берувчи Boss зиммасига юклатилади. Компания уларнинг меҳнат муносабатлари ва фаолияти учун тўғридан-тўғри иш берувчи сифатида жавобгар эмас.

8.5. Мижознинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8.5.1. Мижоз ҳуқуқлари:

- “suv_kerak” тизими орқали сувга буюртма бериш, етказиб бериш статусини кузатиш ва тизимда назарда тутилган бошқа имкониятлардан фойдаланиш;
- сув етказиб берувчи Boss ва курердан, сотиб олаётган сув ва хизмат тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот талаб қилиш;
- ушбу оферта ва қонунчиликда назарда тутилган тартибда мурожаат, шикоят ва таклифлар юбориш.

8.5.2. Мижоз мажбуриятлари:

- рўйхатдан ўтиш ва буюртма беришда ўзининг тўғри ва долзарб маълумотларини (исм, телефон рақам, манзил ва ҳ.к.) тақдим этиш;
- курерни келишилган манзилда ва вақтда қабул қилиш, буюртма учун тўловни белгиланган усулда ва ўз вақтида амалга ошириш;
- тизимдан фойдаланишда қонун талабларини, ахлоқий нормаларни ва ушбу оферта шартларини бузмаслик.

---

9. Жавобгарлик ва форс-мажор

9.1. Умумий жавобгарлик қоидалари

9.1.1. Тарафлар ушбу оферта шартларини бузганлик учун амалдаги қонунчиликка ва мазкур офертага мувофиқ жавобгар бўладилар.

9.1.2. Компания, умумий қоида тариқасида, фақат т**изим хизмати**ни кўрсатиш билан боғлиқ ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги ёки бажаришда меҳнати билан етказилган реал зарар (реал йўқотишлар) учун жавобгар бўлиши мумкин. Компания **йўқотилган фойда** учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

9.2. Сув таркиби, сифати ва сертификатлар бўйича жавобгарлик

9.2.1. Сув етказиб берувчи Boss сотадиган ва етказадиган сувнинг:

- кимёвий ва микробиологик таркиби;
- санитария нормалари ва гигиеник стандартларга мослиги;
- истеъмол учун хавфсизлиги;
- сертификатлари, гигиеник хулосалари, техник регламентларга мувофиқлиги;
- ишлаб чиқарувчи ва маҳсулот ҳақидаги бошқа мажбурий маркер ва маълумотлар

учун **тўлиқ ва мустақил тарзда жавобгар** ҳисобланади.

9.2.2. Компания:

- сувнинг таркиби, сифати ва унинг истеъмол учун яроқлилиги;
- сувни сақлаш, ташиш, қадоқлаш ва сертификатлаш билан боғлиқ ҳеч қандай мажбуриятни ўз зиммасига олмайди;
- сув сифати ёки саломатликка таъсири билан боғлиқ ҳар қандай зарар учун жавобгар эмас.

Бундай муносабатлар бевосита мижоз ва сув етказиб берувчи Boss ўртасидаги муносабатлар доирасида ҳал этилади.

9.2.3. Агар мижоз сув сифати ёки унинг саломатликка таъсири бўйича даъво ёки шикоятга эга бўлса, даъвони биринчи навбатда сув етказиб берувчи Boss'га қаратган ҳолда, қонунчиликда назарда тутилган тартибда тегишли давлат назорат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

9.3. Тизим ишидаги бузилишлар ва техник чекловлар

9.3.1. Компания "suv_kerak" тизимининг барқарор ишлашини таъминлашга интилади, бироқ қуйидаги ҳолатларда тизимнинг узлуксиз ишлашини кафолатлай олмайди:

- интернет-провайдерлар, алоқа операторлари ёки хостинг провайдерларидаги носозликлар;
- серверлар ва ускуналардаги техник носозликлар;
- DDoS ҳужумлар, киберҳужумлар ёки ахборот хавфсизлигига оид бошқа таҳдидлар;
- фавқулодда техник хизмат кўрсатиш ишлари.

9.3.2. Бундай ҳолатларда компания тизимни тиклаш учун зарур чораларни кўришга интилади, аммо бевосита ёки билвосита йўқотилган фойда, маълумотлар йўқолиши, етказиб беришдаги кечикиш ва шу кабилар учун жавобгар эмас, агар бундай зарар компаниянинг қасддан ёки қўпол беэтиборлиги натижасида келиб чиқмаган бўлса.

9.4. Форс-мажор ҳолатлари

9.4.1. Тарафлар қуйидаги ҳолатлар юз берганда ўз мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмаслик учун жавобгар бўлмайдилар (форс-мажор):

- табиий офатлар (зилзила, сув тошқини, сел, довул, қаттиқ қор ёғиши ва ҳ.к.);
- уруш, ҳарбий ҳаракатлар, терроризм, оммавий тартибсизликлар;
- эпидемия, пандемия, карантин чекловлари;
- давлат органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқа ваколатли ташкилотларнинг хизматни чеклаш ёки тақиқлашга олиб келувчи қарорлари;
- алоқа, электр таъминоти ва транспорт инфратузилмасига оид йирик авариялар ва бошқалар.

9.4.2. Форс-мажор ҳолати юзага келган Тараф, имконият даражасида, бошқа Тараф(лар)ни бу ҳақда хабардор қилиши ва оқибатларни камайтириш чораларини кўриши лозим.

---

10. Низоларни ҳал этиш тартиби

10.1. **Дастлабки (досудебный) тартиб**

10.1.1. Ушбу офертадан келиб чиқадиган ёки у билан боғлиқ барча низо, келишмовчилик ва даъволарни тарафлар, аввало, музокаралар ва ёзма мурожаатлар орқали дўстона тарзда ҳал қилишга интиладилар.

10.1.2. Мижоз ёки сув етказиб берувчи Boss компанияга қуйидаги каналлар орқали даъво ёки шикоят юбориши мумкин:

- электрон почта: **suv_kerak@gmail.com**;
- Telegram қўллаб-қувватлаш боти: **@suv_kerak_support**.

10.1.3. Даъво/шикоятда, имконият даражасида, қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши тавсия этилади: Ф.И.Ш. ёки фойдаланувчи ID си, фойдаланувчи тури, контакт маълумотлар, низо моҳияти, бўлган воқеа санаси, тегишли скриншот ва бошқа исботлаш материаллари.

10.1.4. Компания, умумий қоида тариқасида, бундай мурожаатларни **30 (ўттиз) календар кун** ичида кўриб чиқишга интилади ва натижалари ҳақида фойдаланувчини хабардор қилади.

10.2. **Суд тартиби**

10.2.1. Агар низони дўстона тарзда ҳал этиш имконсиз бўлса, у ҳолда низо Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, компания рўйхатдан ўтган жой бўйича ваколатли судда кўриб чиқилади.

10.2.2. Ушбу офертага, унинг тузилиши, амал қилиши, талқини ва бекор қилинишига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги татбиқ этилади.

---

11. Якуний қоидалар

11.1. Ушбу Оферта Компания томонидан эълон қилинган (масалан, “suv_kerak” Telegram боти, мобил иловалар ёки расмий ахборот каналларида жойлаштирилган) пайтдан бошлаб кучга киради ва фойдаланувчи томонидан акцепт қилинган пайтдан эътиборан фойдаланувчи билан компания ўртасида тузилган шартнома сифатида амал қилади.

11.2. Компания амалдаги қонунчилик, тизим ривожи ва бошқа объектив сабабларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу оферта матнини ўзгартириш ёки янгилаш ҳуқуқига эга. Янгиланган редакция оферта жойлаштирилган манзилда (**масалан, бот/илова ичидаги ҳавола орқали**) эълон қилинган пайтдан кучга киради, агар у ерда бошқача муддат кўрсатилмаган бўлса.

11.3. Фойдаланувчининг “suv_kerak” тизимидан янгиланган оферта эълон қилинганидан кейин фойдаланишни давом эттириши, одатда, офертанинг янги редакцияси билан танишган ва унга рози эканлигини тасдиқлайди.

11.4. Агар ушбу офертанинг айрим қоидалари амалдаги қонунчилик ўзгариши ёки ваколатли органлар қарори сабабли ҳақиқий эмас ёки амал қилинмайдиган деб топилса, бу ҳолат офертанинг қолган қисми ҳақиқий эмас деган маънони англатмайди. Қолган қоидалар ўз кучини сақлаб қолади.

11.5. Ушбу оферта махфийлик сиёсати ва “suv_kerak” тизимида белгиланган бошқа қоидалар билан биргаликда қўлланилади. Агар улар ўртасида шахсий маълумотларни қайта ишлашга оид зиддиятлар юзага келса, одатда, фойдаланувчи ҳуқуқларини кўпроқ ҳимоя қилувчи қоидалар устувор деб қаралади.

Қарши шаҳри, 2025 йил